

№236-01/03/031

## ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ №01/23-01

Бекобод шаҳри

18.01.2023 йил  
№236.19.01.

«SHAXODAT» ХК номидан бундан буён «Ижрочи» деб аталувчи, Низом асосида иш юритувчи Хусайнов Сарвар Саъдуллаевич бир тарафдан ва «Ўзбекистон Металлургия Комбинати» АЖ номидан бундан буён «Буюртмачи» деб аталувчи 2022 йил 30 декабрдаги №01-1/3238 сонли ишончнома асосида иш юритувчи Бошқарув раиси биринчи ўринбосари ижрочи директор Д.Т.Ахмедов, иккинчи тарафдан, биргаликда тарафлар, алоҳида «Тараф» деб аталувчилар, ушбу шартнома (кейинги ўринларда - «Шартнома») ни куйидагилар ҳақида туздилар:

### 1. Шартнома предмети

1.1. «Ижрочи» буюртма асосида «Буюртмачи»га қарашли бўлган «Шартнома»нинг ажралмас қисми ҳисобланувчи 1-сонли иловада келтирилган **83 (саксон уч) дона кранларни кейинги ишлаш имкониятини аниқлаш учун текшириш (диагностика) ва экспертизадан ўтказиш** хизматларини амалга оширади (кейинги ўринларда - «Хизматлар») ва «Буюртмачи»га топширади, «Буюртмачи» эса ушбу хизматларга ҳақ тўлайди ва унинг натижаларини қабул қилади.

### 2. Шартнома баҳоси ва тўлов шартлари

- 2.1. Ушбу «Хизматлар»нинг ҚҚС билан бирга ҳисобланган умумий қиймати **245 547 200,00 (Икки юз қирқ беш миллион беш юз қирқ етти минг икки юз) сўм 00** тийинни ташкил этади.
- 2.2. Ушбу «Шартнома» икки томон ўртасида имзоланган кундан бошлаб «Буюртмачи» **5 (беш)** банк кунидан кечиктирмасдан «Ижрочи»нинг ҳисоб рақамига тўлов топшириқномаси орқали бажариладиган иш ва кўрсатиладиган «Хизматлар» ҳаққи **15** фоизини олдиндан тўлашни амалга оширади ва қолган **85** фоиз тўлов иш ва кўрсатиладиган «Хизматлар» тўлик бажарилганидан кейин **10 (ўн)** банк куни ичида амалга оширади.
- 2.3. «Ижрочи» бажарилган иш ва кўрсатиладиган «Хизматлар» юзасидан қабул-қилиш ва топшириш далолатномаси асосида «Буюртмачи»га электрон ҳисобварақ-фактура жўнатади.
- 2.4. «Тарафлар» «Шартнома» ижроси бўйича ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирувини амалга оширишлари мумкин.

### 3. Хизматлар кўрсатиш шартлари ва муддати

- 3.1. «Ижрочи», унинг ҳисоб рақамига аванс тўлови суммаси келиб тушганидан ҳамда «Буюртмачи» томонидан барча керакли ҳужжатлар тақдим қилинганидан сўнг, бажариладиган ишлар (кўрсатилган хизматлар) ни кўрсатишга киришади.
- 3.2. «Хизматлар» кўрсатишнинг умумий муддати аванс суммаси келиб тушган кундан **120 (бир юз йигирма)** иш куни чегарасида ўрнатилади.



### 4. Тарафларнинг мажбуриятлари

#### 4.1. «Буюртмачи» мажбур:

- «Хизматлар» ҳақини «Шартнома»нинг 2.2.-бандига мувофиқ амалга оширишга;
- керакли ҳужжат ва маълумотларни тақдим этишга;
- «Ижрочи»нинг сўровига кўра, ушбу «Шартнома» доирасида топшириқни амалга ошириш учун керакли қўшимча маълумотларни тақдим этишга;
- бажарилган иш ва кўрсатиладиган «Хизматлар» юзасидан қабул-қилиш ва топшириш далолатномасини имзолашга ёки ушбу «Шартнома»нинг 5.-бандида кўрсатилган муддатларда, иш ва хизматлар натижаларини қабул қилишни асосланган тарзда рад этишини тақдим этишга;
- «Ижрочи» томонидан бажарилган «Хизматлар»ни қабул қилишга.

#### 4.2. «Ижрочи» мажбур:

- «Буюртмачи»га бажарилган иш ва кўрсатиладиган «Хизматлар» юзасидан қабул-қилиш ва топшириш далолатномасини тақдим этишга, ҳар бир юзага келадиган масала бўйича ўз вақтида маълумот беришга;
- «Буюртмачи» томонидан тақдим этилган маълумотларни овоза қилмасликка ва маълумотлар махфийлигини таъминлашга;
- ушбу «Шартнома»да кўзда тутилган бажариладиган иш ва кўрсатиладиган «Хизматлар»ни ўз муддатида амалга оширишга ҳамда «Буюртмачи»га ҳисобварақ-фактура жўнатишга.
- «Буюртмачи» «Хизматлар»ни қабул қилиш вақтида аниқланган камчиликларни бартараф этиш мажбуриятларини олади.



## 5. Хизматларини бажариш ва қабул қилиш тартиби

5.1. «Хизматлар» кўрсатилиб бўлинганидан сўнг, «Буюртмачи» «Ижрочи» томонидан тайёрланган бажарилган иш ва кўрсатиладиган «Хизматлар» юзасидан қабул-қилиш ва топшириш далолатномасини имзолайди ёки кейинги кундан кечиктирмасдан, хизматлар натижаларини қабул қилишни асосланган тарзда рад этади. «Буюртмачи» томонидан кўрсатилган муддатларда бундай ҳаракатларни бажарилмаслиги, «Буюртмачи» томонидан автомат равишда маъқуллаш, бажарилган иш ва кўрсатиладиган «Хизматлар» юзасидан қабул-қилиш ва топшириш далолатномасига розилик белгисини билдиради. «Хизматлар» тугаганидан сўнг, «Ижрочи» «Буюртмачи»га бажарилган «Хизматлар» учун қабул-қилиш ва топшириш далолатномасини тақдим этади.

5.2. «Буюртмачи» «Хизматлар»ни қабул-қилиш ва топшириш далолатномасини олган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида уни имзолаши ёки қабул-қилиш ва топшириш далолатномаси ёки хизматни қабул қилишнинг асослантирилган рад этишини «Ижрочи»га юбориши шарт.

5.3. «Ижрочи» томонидан бажарилган иш ва кўрсатиладиган «Хизматлар» натижалари юзасидан «Буюртмачи»га қаршили бўлган 83 (саксон уч) дونا юк кўтариш қранларини кейинги ишлаш имкониятини аниқлаш учун текширишдан (диагностика) ва сановат хавфсизлиги экспертизасидан ўтказилганлик ҳақидаги хулоса хужжатлари расмийлаштирилиб, «Буюртмачи»га тақдим қилинади.

5.4. «Буюртмачи» белгиланган муддатда бажарилган «Хизматлар»ни қабул-қилиш ва топшириш далолатномасини имзоламаган ёки «Ижрочи»га асослантирилган рад этишни юбормаган тақдирда, иш изоҳсиз қабул қилинган ҳисобланади.

5.5. Хизмат натижаларини «Буюртмачи»нинг вакили ишончнома асосида қабул қилади.

5.6. «Хизматлар» сифати ўрнатилган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

## 6. Махфийлик

6.1. Томонлар ушбу «Шартнома» бўйича бўлган маълумотларни махфийлигини таъминлаш учун жавобгарликлар ва ушбу маълумотларнинг ошкор этилишини олдини олиш учун барча зарур чораларни кўради.

6.2. Томонларнинг махфийликни сақлаш бўйича мажбуриятлари «Шартнома» муддати тугагандан кейин ҳам ўз кучида қолади.

## 7. Тарафларнинг жавобгарлиги

7.1. «Шартнома» талабларини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганлик учун «Тарафлар»га Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

7.2. Зарарни қоплаш ва жарималарни тўлаш ушбу «Шартнома» бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришдан озод қилмайди.

7.3. «Буюртмачи» «Ижрочи»нинг объектда жойлашган моддий бойликларининг сақланиши учун жавобгардир.

7.4. «Буюртмачи» мавжуд қурилмаларда ишлашга киришда хавфсизликни таъминлаш учун жавобгардир.

## 8. Низоларни ҳал этиш тартиби


8.1. Ушбу «Шартнома» юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган низолар музокаралар йўли билан томонлар ўртасида ҳал этилмаган тақдирда, Бекобод туманлараро иқтисодий суди томонидан ҳал қилинади.

## 9. Форс-мажор

9.1. Агар мажбуриятларни бажармаслик «Тарафлар»нинг истак-хоҳишларига боғлиқ бўлмаган (уруш ҳаракатлари, табиий офатлар, ҳуқуқат қарорлари), ваколатли органлар томонидан хужжатлар асосида тасдиқланган, форс-мажор ҳолатлар натижасида юзага келган бўлса, «Тарафлар»нинг ҳеч бири ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганлик учун жавобгар бўлмайди.

## 10. Шартномани амал қилиш муддати

10.1. Ушбу «Шартнома» икки «Тараф» томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 31.12.2023 йилгача амал қилади. Буида бажарилган иш ва кўрсатилган «Хизматлар» учун



«Ижрочи»га ҳақ тўлиқ тўлангунга қадар «Шартнома»нинг тўловлар билан боғлиқ бандлари кучида қолади.

10.2. «Шартнома» томонларнинг ўзаро ёзма келишуви асосида ўзгартирилиши мумкин.

### 11. Коррупцияга қарши қўшимча шартлар

11.1. «Тарафлар» «Шартнома» тузишда, «Шартнома»нинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, «Шартнома» билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

«Тарафлар» «Шартнома»даги коррупцияга қарши қўшимча шартлар ва белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини таъмин олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

11.2. Ҳар бир «Тараф» «Шартнома» тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан «Шартнома» билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, «Шартнома» тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинмишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устуңликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди.

«Тарафлар», улар томонидан «Шартнома» доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва «Тарафлар» назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан одилона чоралар кўради.

11.3. «Тарафлар» давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қўйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рўхсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш қўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устуңликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги «Тарафлар»га маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг қимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмағирлик қилиш, ундаш, тазйик ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир «Тараф» иккинчи «Тараф»ни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

11.4. «Тарафлар» товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рўхсатномалар ва бошқа рўхсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи «Тарафлар»нинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьютерлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қўйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт:



- коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан мўросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатма ва тушунтириш бериш;

- улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик, уларни фақат «Тараф»нинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга қонунчилик доирасида амалга оширган «Хизматлар» учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

11.5. «Тарафлар» уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартлардаги мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.





11.6. Агар бир «Тараф»га бошқа «Тараф»нинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи «Тараф»ни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу «Тараф»дан оқилона муддат ичида тегишли чоралар қўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

«Тараф»нинг талаби бўйича иккинчи «Тараф» томонидан қондабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар қўрилмаган ёки қўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу «Тараф» «Шартнома»ни бир тарафлама тухтагиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

**12. Бошқа шартлар**

12.1. Ушбу «Шартнома» «Тарафлар» имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан, шунингдек почта, телефон, электрон алоқа ёки ҳужжат шартномадаги тарафдан чиққанлигини ишончли суратда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан тузилиши мумкин.

12.2. Ушбу «Шартнома»га киритиладиган барча ўзгаришлар ва қўшимчалар, агар улар ёзма кўринишда амалга оширилган ва ҳар икки «Тараф» томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

12.3. «Шартнома» бир хил юридик кучга эга иккита асл нусxada тузилди.

**13. Тарафларнинг почта манзиллари, алоқа воситалари ва банн реквизитлари:**

«Ижрони» «Буюртмачи»  
**«ШАХОДАТ» ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ** «УЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» АЖ

Манзил: Хоразм вилояти Боғот тумани Майил: Тошкент вилояти Бекобод шаҳри Хўжалик қишлоғи. Сирдарё кўчаси 1-уй



Х/р: 20 208 000 600 536 492 001, МФО: 00579 Х/р: 20 210 000 800 468 183 001 МФО: 00489


Банк: АТИБ «Ипотека Банк» Хоразм филиал Банк: АТИБ «Ипотека Банк» Бекобод филиал




СТИР: 201 630 452, ОКЭД: 71 200 СТИР: 200 460 222, ОКЭД: 24 100

Телефон: (99) 669-35-00, (97) 211-50-00. Телефон: (70) 214-18-01, (90) 131-63-23,

**12. Тарафларнинг имзо ва муҳрлари**

М.ў.  С.С. Хусаннов  Д.А. Ахмедов  
 январь 2023 йил январь 2023 йил





Должность	Дата	Подпись	Ф.И.О
Начальник структурного подразделения:	16.01.23г.	<i>[Handwritten Signature]</i>	Алиев О.
Начальник отдела аналитики, комплаенса- контроля и регистрации контрактов.			
Начальник управления экономики	17.01.23г.	<i>[Handwritten Signature]</i>	Ерекатов И.
Главный бухгалтер	18.01.23г.	<i>[Handwritten Signature]</i>	Ибрагимов С.Д.
Юридический департамент	18.01.2023	<i>[Handwritten Signature]</i>	Абдураманов С.

*[Handwritten Signature]*  
И. Шургунов

16.01.23г.  
*[Handwritten Signature]* Е. Дамбаев.

*[Handwritten Signature]* Маамбаев К.М.